


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60410500 – Банк иши ва аудити бакалавриат
таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>60410500 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	4
1.2.3.	<i>60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	7
	Керишув вараги	8

1. 60411200- Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қулланиш соҳаси.

1.1.1. 60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши Малака талабининг қулланиши.

Малака талаби **60410500 – Банк иши ва аудити** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул хамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва ўкув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60410500 – Банк иши ва аудити – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, тижорат банклари фаолиятининг барча йўналишлари, иқтисодий-хукуқий ва ташкилий асослари, фаолият тамойиллари, банк активлари ва пассивларини бошқариш, ликвидлилик, молиявий барқарорлик ва тўлов қобиллятини таъминлаш усуслари, банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш, банк операцияларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, ички назоратнинг ташкил этилиши, банк фаолияти аудитини ташкил қилиш ва ўтказиш, молиявий ҳисоботларни тузиш, молиявий ҳисоботларни аудитдан ўтказиш, аудиторлик хуносаларини тайёрлаш, банк мижозларига комплекс ҳизмат кўрсатиш масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг ҳудудий бошқармалари;
- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги;
- тижорат банклари;

- олий ва ўрта махсус таълим тизими ташкилотлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошкармалари;
- илмий, техникавий ва технологик, иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқикот ва муассаса ташкилотлари;

турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳисобланади.

60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалавриат битиравчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқикот фаолияти;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60410500 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битиравчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- марказий банк ва тижорат банклари фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
- марказий банк, тижорат банклари ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- банкларда бирламчи ишларни ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- банклар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишида ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, банк фаолияти мониторинги ва сифатини баҳолаш усувлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- тижорат банкларида стратегик режалаштириш, улар фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш, рискларни баҳолаш ва бошқариш усувларини кўллай олиши ва қарор қабул қилиши;
- тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва улар томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг Марказий банк ҳамда халқаро талабларга мос келишини таъминлаши;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- тижорат банкларида ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;

– тижорат банкларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини құллаш, инвестицион лойихаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

Ахборот-тахлилий фаолиятида:

– қарорлар қабул қилиш учун банкларнинг ташқи ва ички мухити омиллари тұғрисидаги маълумотларни тұплаш, қайта ишлеше таҳлил қилиш;

– қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тұплаш, банкнинг ички ахборот тизимини яратыш ва унинг ишлашини бошқариш;

– банкнинг ички хужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли күрсаткичлари бүйіча маълумотлар базасини юритиши;

– лойихалар самарадорлигини баҳолаш;

– ахборот-тахлил фаолияти натижалари бүйіча ҳисобот тайёрлаш;

– бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бүйіча илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

– хұжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашға бағишенгендегі мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, маҳсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

– банкларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бүйіча иқтисодий ахборотларни йиғиши, қайта ишлеше, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

– интернет тармоғыда энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадға йұналған қолда қидириш ва топиши;

– илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиши;

– илмий-тадқиқот ишларыда, конференциялар ва симпозиумларда муҳокама жараёнларыда иштирок этиши ва маъруза қилиш;

– фундаментал, амалий, инновацион лойихаларда илмий-тадқиқот ишлары натижаларини илмий нацрларда чөп этиши.

Тадбиркорлық фаолиятида:

– янги бизнес-loyihalarни шакллантириш ва амалга ошириш;

– бизнесни ташкил этиши, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиши ва бошқариш.

2. 60410500 – Банк иши ва аудити таълим йұналиши бүйіча бакалаврларнинг касбий компетенцияларига құйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар мөхиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бүйіча касбий фаолияти доирасыда зарурий билимларға зәға бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиши, сақлаш, қайта ишлеше ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияты тұғрисида тассаввурға зәға бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- банк-молия соҳасида фаолиятни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- банк-молия соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;
- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йигиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш;
- банк-молия соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- банк-молия соҳасида жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;
- банк-молия соҳасида фаолият кўрсатиш ва улар фаолиятининг халқаро ҳамда миллый талабларига мос келиши борасида жараёнларни назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- фикрлар ҳар ҳил булган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- банк-молия соҳасининг халқаро ҳамда миллый мослигини мониторинг қилиш;
- банк-молия соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини кидириб топиш;
- банк-молия соҳаси фаолиятини бошқаришнинг замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- банк-молия соҳаси фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказишида замонавий методларни қўллаш;
- банк-молия соҳасида жараёнларни ҳисобга олишда, молиявий-хўжалик фаолияти ва аудит иши сифатини баҳолашда замонавий ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш;
- банк-молия соҳаси фаолиятини таҳлил қилиш;
- молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш;
- бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича банк-молия соҳасининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва ўкув дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор  **K. Шарипов**

202_ йил « _____ »

M.Ý.

КЕЛИШИЛДИ:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министрлигидан
ривожлантириш тадқиготлари ва илгор
технологияларни тажиз этиш маркази**

Директор в.б.  **M. Эсанов**

202_ йил « _____ »
M.Ý.

Тошкент молия институти

Ректор  **T. Тешабоев**

202_ йил « _____ »

M.Ý.

**“Туронбанк” акциядорлик тијорат
банки Бошқарув Раиси биринчи
ўринбосари**


 **A. Ташев**

202_ йил « _____ »



M.Ý.


**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик
тијорат Халқ банки Бошқарув Раиси
биринчи ўринбосари**

 **Z. Азимов**

202_ йил « _____ »

M.Ý.

**“Агробанк” акциядорлик тијорат
банки Бошқарув Раиси ўринбосари**

 **A. Тұраев**

202_ йил « _____ »

